

ДУНЁНИ ТАН ОЛДИРИШ ОСОНМИ?

1
Қисман риторика ва иддао аралашгандек кўрингани билан сарлавҳага чиқарилган ушбу саволда асло писанда йўқ. Негаки, пахта узоқ йиллар бизнинг нафақат маданий, балки иқтисодий-сиёсий идентитетимизни ҳам белгилаб келди. Чойнагимизда, пиёламизда, ҳатто ош ейдиган косою лаганларимизда ҳам ифтихор рамзи сифатида акс этган ушбу зироатчилик экин ижтимоий ҳаётда гўёки этномаданий бир тотемга айланиб кетгани, бор гап.

Ҳа, гап яна пахта — биз миллий бойлик (баъзи ўринларда сиёсий ўзлик) даражасига кўтарган, аммо ундан мудом укубат кўрган ПАХТА СИЕСАТИ ҳақида кетмоқда.

Жорий йил бошларида «Cotton Campaign» коалицияси Ўзбекистон пахтасига бойкотни бекор қилди. Мазкур қарор 2021 йилда мамлакатимизда пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилмагани муносабати билан қабул қилинди. 2009 йилда ўзбек пахтасига эълон қилинган бойкот айтиш мумкин бўлса, ЯИМ катта қисми пахтага қарам бўлган мамлакатимиз иқтисодиётига темир тушовдек ўз таъсирини кўрсатди. Албатта, ушбу миллий даражадаги иқтисодий-сиёсий нафс (амбиция)нинг оғзига урилган жиловнинг бошқа сабаблари ҳам бўлган. Бироқ энг асосий сабаб бутун бир мамлакат аҳолиси, айниқса, болаларни мажбурий меҳнатдан озод қилишга қаратилган эди.

Меҳнат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, сармоядорлар, нуфузли фирма ва компанияларни ўз сафига жамлаган мазкур халқаро коалиция ўз қарори билан ўзбек пахтаси учун ёпилган кўлаб эшикларни очди. Хусусан, 2009 йилда «Cotton Campaign» ўзбек пахтасига бойкот эълон қилгани сабабли 331 та бренд ва ритейлер компаниялари, жумладан, «Adidas», «Zara», «C&A», «Gap Inc.», «H&M», «Levi Strauss & Co.», «Tesco» ва «Walmart» кабилар ўзбек пахтасига нисбатан бойкотга амал қилиш мажбуриятини олганлигини ҳисобда тутсак, нақадар бурчакка текилганимиз, хонанишин бўлиб ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб ётганимизни яхшироқ тушунамиз.

Кун кеча эса дунё матбуоти аини мазмундаги яна бир янгиликни эълон қилди. Унга кўра Ўзбекистоннинг тизимли мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш бўйича эришган муваффақиятларини ҳисобга олиб, АҚШ Меҳнат вазирлиги ҳам мамлакатимизда етиштирилган

пахта ҳосилини «Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рўйхати»дан чиқарилишини эълон қилди. Ушбу қарор Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларни АҚШга олиб киришга қўйилган расмий чекловларни бекор қилади ва шу орқали маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш учун янги имкониятлар яратади.

Бу ёрқин галабам, йўқми?! Кўнглида озгина Ватанга, шу миллатга меҳри бўлган одам бугун бунни тан олади, фахрланади, албатта! Мен ушбу хушхабарни олис Европада хизмат сафарида эшитдим. Ўзбекистонни, бизни яқиндан биладиган ҳамкорларимиз бу оламшумул галаба билан мени қўлимни сиқиб қўлаганида, очиги, кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

Ватандан олисда, бегоналар орасида сенинг халқинг, миллатинг эришган муваффақиятлар ҳақида эшитиш кўнглини жуда юксакларга кўтараркан. Ҳолбуки, бу даврда катта бизнес вакиллари, халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари, сиёсатчилар борлиги Ўзбекистонимиз эришган ушбу галабанинг нақадар жиддий эканини ургўлайди.

Хўш, биз аслида хурсанд бўлишимиз керак бўлган хушхабарнинг моҳиятида нима ётади, ўзи?

Албатта, бу муҳим савол. Маълумки, шу ҳафта АҚШ Меҳнат вазирлиги дунёда мажбурий меҳнат билан боғлиқ вазият бўйича ўз ҳисоботларини эълон қилди. Болалар меҳнати энг ёмон шакллари тўғрисидаги ҳисоботда («TDA Report») Ўзбекистон 2011 йилдан бери биринчи марта болалар меҳнати энг ёмон шакллари бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлиги бўйича «сезиларли тараққиёт»нинг энг яхши тоифасига кирди.

Таққос учун айтадиган бўлсак, Ўзбекистон 2011 йилда «болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича давлат томонидан ҳеч қандай муҳим саъй-ҳаракатлар қабул қилинмаган» 4-тоифага киритилган эди.

Ҳисоботга кўра, бу йил 131 давлат ичида Ўзбекистон «сезиларли тараққиёт» мақомига сазовор бўлган 9 та давлат қаторидан жой олди. Албатта, бу ўз-ўзидан эришиладиган иш эмас. Ёки бугунги кунда дунёнинг «биринчи қудрати»лигига даъво қилаётган глобал кучни аниқ натижаларсиз тан олдиришининг мутлақо имкони ҳам йўқ.

Эришилган галаба, ҳеч шубҳасиз, Президентимиз иш бош-

лаган кунлариданоқ одамлар оғирини енгил қилиш, жайда-ри гап билан айтганда, шу меҳнаткаш ва танти халқнинг «ўмгани»ни кўтариш йўлида олиб борган сиёсатининг ёрқин самараси, десам, адашмаган бўламан. Ахир ўзингиз ўйланг, ўтган шу беш-олти йил ичида айнан пахтачилик соҳаси, унга бўлган сиёсатни ўзгартириш бўйича қанча Фармону қарорлар чиқди, неча-неча йиғилиш анжуманлар бўлиб ўтди, санаб саногига ета оласизми?

Мазкур ҳисоботнинг баҳолаш мезонлари болалар меҳнати энг ёмон шакллари тақиқловчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, шикоятлари кўриб чиқиш ва бундай ҳуқуқбузарликларни текшириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва институционал механизмлари, болалар меҳнатининг энг оғир шаклларига жалб этилишининг олдини олишга қаратилган ижтимоий дастурлар амалга оширилишига, ушбу йўналишдаги давлат сиёсати самарадорлигига асослангани билан гоё аҳамиятлидир. Бундан кўринадики, мамлакатимиз шу қисқа даврда аини мажбуриятларни удралаган, тушунарлироқ қилиб айтганда, юз йиллардан буён халқимизнинг силласини кўришиб келаётган мустабид сиёсат — пахта монокультурасига барҳам бера олган.

АҚШ Меҳнат вазирлиги ҳисоботида кўра, ўзбек пахта-сининг ушбу рўйхатдан чиқарилиши сабаблари Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатни хорижий сармоядорлар учун жозибали манзил сифатида кўрсатиб, иқтисодий ислохотларни олға сура бошлаган 2017 йилдан буён Ўзбекистонда пахта саноатидаги жиддий ўзгаришлар билан боғлиқ.

Хужжатда алоҳида таъкидланганидек, ҳукумат бутун ишлаб чиқариш занжирини меҳанизациялашга, ишчи қўлдан хайизладиган бўлган эҳтиёжни камайтирадиган йўналишни давом эттирмоқда. Сўзма-сўз айтганимизда эса «Мажбурий меҳнат ҳолатларининг қисқариши мажбурий пахта терими-ни бекор қилиш ва ишчиларни

ёллашда мажбурулашни тақиқловчи ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун қатъий жазоларни на-зарда тутувчи янги сиёсатни жорий этиш орқали мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича ҳукуматнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасидир».

Шу ўринда мен яқинда Президентимиз Тошкент вилоятида ўтган сессияда айтган гапларини эсламоқчиман. Йиғилишда Шавкат Миромонович шундай деган эди: «Мен шахсан Президент бўлиб, пахта ҳозир неча фоиз бажарилганини билмайман. Чунки манфаат бўлса, фермерлар, кластерлар ўзи бажараверади. Олдин қандай эди, йилнинг 3-4 ойи эгилиб пахта териш билан ўтарди. Ўқитувчи ҳам, шифокор ҳам, зиёли ҳам далада бўларди. Яқинда йирик бир давлат раҳбари пахтаимизни экспорт қилишни сўради. «Экспортга пахта йўқ, тўлиқ қайта ишляпмиз» десам ишонмади. Чунки олдин экспортимиз асоси пахта билан газ бўларди. Ҳозир эса пахтани ҳам, газни ҳам экспорт қилмаяпмиз. Ҳатто газни четдан сотиб ҳам оляпмиз. Сабаби саноатимиз ривожланяпти. Ана шундай икки асосий маҳсулот четга сотилмаса ҳам экспортимиз ҳажми 2016 йилга нисбатан 5-6 баробар ошди».

Бу юз йиллардан буён эрта куздан то қора қишгача бутун мамлакатнинг катта-кичиги пахта даласига сочилиб кетадиган, сиёсат ҳам, маънавият ҳам, ватанпарварлиги халқпарварлик ҳам эгатлар орасидан «изланадиган» юрт одамлари учун худди эртақдай гап, аслида.

2
Ўзини бугунги Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевга муҳолиф саноқчилар бир саволни жуда кўп беради: хўш, ўтган олти йилда мамлакатда нима ўзгарди?

Аслида бу саволга мисоллар келтирсак, жуда кўп. Аммо бугунги мавзумиз — халқаро эътирофу «сўров»ларга йўллайдиган жавобларнинг энг залварлиси ва ҳаққонийси бўлиши мумкин. Чунки пахта, пахтачилик сиёсати нима эканини ўша қонирма иддаолардан пона уришни хуш кўрадиганларнинг ўзлари ҳам жуда яхши билади. Зотан, уларнинг тиллари ҳам шу пайкаллар ичида чиққан. Айнан шунинг учун ҳозир эътиборингизни яна бир жиҳатга қаратмоқчиман. Бу қуруқ гап эмас, статистика!

Эсингизда бор, атиги беш-олти йил илгари пахтаимизни нафақат етиштириш, ҳатто сотиш ҳам минг машаққат эди.

Турли давлатлардан компанияларни «отанг яхши, онанг яхши» қабилида чорлаб, керак бўлса, катта зиёфатлар эвазига паст нархларга бўлса-да, маҳсулотимизни «ўтказганимиз»га қарсак чалардик. Сабаби бугун бекор қилинган бойкотлар у пайтлар баравж эди. Уша вақтдаям Ўзбекистон раҳбари «пахтаимизга чеклов бор», деб қараб ўтирмаган. Халқаро мажбуриятларни бажариш йўлида собит ҳаракатлар билан бирга, қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик соҳасини тубдан модернизация қилиш йўлларини қидирган ва уни удралаган эди. Бу, энг аввало, пахтани расман эълон қилинмаган сиёсий статусдан чиқариш ва соҳага замонавий услубиятни олиб кириш, тўқимачилик саноатида енгилликлар беришда ўз аксини топди. «Пахта кластерлари», «тўқимачилик саноати» деган атамаларнинг тилимизда кўп айланиши нафақат гурунг сифатида, балки ҳаётимизда реал воқеали тарзида намоён бўлаётгани билан ҳам бугун эътирофга лойик.

Бир эътибор қилинг, Ўзбекистон ҳеч замонда пахта импорти билан шуғулланганми? Аслида масалани ичидан билмайдиган одам учун бу савол сарлавҳадаги сўровдан кўра ҳам риторикроқ туюлиши мумкин. Бироқ ҳақиқат шундаки, бир пайтлар пахтасини ўтказиш учун совуқ ўлкаларнинг корхоналари аёнларига ош дамлаб, туршак-майиз ташиб юрган ўзбек деҳқонининг пахтаси бугун ўзидан ортамайтир; мамлакатда жонланиб қолган текстилчилар, ҳатто қўшни давлатлар пахтасига буюртма бераётир.

Бу, айтиш мумкин бўлса, Ўзбекистон тарихидаги энг қувончли яна бир янгилик. Ўзбек иқтисодиётида бундай ҳолат ҳеч қачон бўлмаган. Бу — сенсация!

Сўзимиз исботсиз бўлмаслиги учун манбага мурожаат қиламиз: Яқинда Тожикистоннинг «Asia-Plus» нашри хабар қилишича, пахта Ўзбекистонга Тожикистондан импорт қилинадиган биринчи рақамли товарга айланди. Хусусан, ўтган 6 ойда Ўзбекистонга 17,3 миллион долларлик 6,6 минг тонна пахта экспорт қилинган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,3 баробар кўп.

Пахта экспорти ҳажми қўшниларнинг Ўзбекистонга экспорт товарлари орасида электр ва цементни ҳам ортда қолдирган. Бу ўзбек текстилчилари ва кластерларининг кенгайиб бораётган бизнеси учун ўз пахтаимиз етишмаётгани, давлатимиз энди пахтани

арзимаган чақага экспорт қиладиган эмас, ундан тайёр маҳсулот етиштириб ўн чандон қимматроққа сотадиган мамлакатга, қолаверса, минтақа ва жаҳонда текстиль соҳасида гигант бир иқтисодиётга айланаётганини англатади.

Экспертларнинг фикрича, яқин орада Ўзбекистон Марказий Осиё пахтаси учун курашда, асосан, Бангладеш ва Хитой компаниялари билан рақобатлаша оладиган қудратга эга бўла олади...

Гарчи баъзилар ўтган олти йилда нима бўлди, ҳеч нарса ўзгарган эмас-ку, дея чапаниларча оёқ тираса-да, шукрки, дунёнинг меҳвари уларнинг кайфиятига боғлиқ эмас. Бугун дунё ҳам, одамлар ҳам Ўзбекистонда нималар бўлаётганини, Ўзбекистон қандай юксак марраларни эгаллаётганини кўриб, эътироф этиб турибди.

Яқинда Самарқандда ўтган ШХТ саммити ва унинг жаҳон сиёсатига сезиларли таъсири Ўзбекистонимизнинг дунё геополитик ва геосиёсий ҳаётида тобора етакчи акторга айланиб бораётганлигини кўрсатди.

Дунёнинг 14 мамлакатаи раҳбарини ўз бағрида жамлаган Самарқанд ўша кунлари қадимий қудрати ва шукратини яна намоён этишга шайлангандек таассурот қолдирди барчамизда.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда нафақат дўст, балки ҳамкор топиш, ўзингга ишонтириш, ортингдан эргаштири олиш осон иш эмаслигини ҳаммамиз жуда яхши биламиз. Бироқ ўз қилаётган ишингга, бошлаган ташаббусларингга дунёни хайрихоҳ қила олиш учун жуда катта меҳнат, сиёсий ирода талаб қилади.

Шу маънода айтадиган бўлсак, биз хурсанд бўлишимиз керакки, бугун халқнинг бағрига шамол тегиши учун ишлайдиган, унинг кадр-қиммати ва ор-номуси учун курашадиган, сўралган жой ва вазиятда туриб бера оладиган мамлакат раҳбари билан ишлаш қисмати-мизга тушди.

Бу — Ўзбекистонимизнинг омади, халқимизнинг сўнмас иқболи!



Сенат қўмитасида

ВАЗИРЛИКЛАРНИНГ АХБОРОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида 2021 йилда Хисоб палатаси томонидан ўтказилган назорат тадбири натижасида аниқланган камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш ҳолати ҳосидан Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Қайд этилганидек, вазирликлар томонидан бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Масалан, Халқ таълими вазирлиги тизимида бюджет маблағидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан Хисоб палатаси ҳамда Молия вазирлиги томонидан ўтказилган назорат тадбирида аниқланган камчиликларни ҳал қилиш, шунингдек, инсон омилини камайтириш ва бюджет харажатларини режалаштиришдаги камчиликларнинг олдини олиш бўйича “UzASBO” дастурий мажмуасига ўзгартиришлар киритилиб, янги модуль ва автоматик чекловлар жорий этилган.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактабларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини назорат қилиш ҳамда ортиқча тўловларнинг олдини олиш, ҳодимлар ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни автоматлаштириш ва бу жараёнда инсон омилини камайтириш, сарфланган ва тежалган маблағларни қўриш имконияти мавжуд бўлган ягона электрон дастурий мажмуа (erp.maktab.uz ахборот тизими) ишлаб чиқилган.

Шунингдек, мажкур вазирлик тизимида иссиқ овқат билан таъминлашда аутсорсинг хизматларига бюджет маблағларини тўлашда тизимли хато ва камчиликларга йўл қўйлаётми.

Бундан ташқари, олий таълим тизимида ОТМга ўқишга кириш учун белгиланган имтиёзлар тўғри қўлланилмаётганлиги, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг қўшимча давлат гранти асосида таҳсил олиши учун Давлат бюджети маблағлари нотўғри сарф этилаётганлиги танқид қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида бюджет маблағлари сарфланмиши, иш ҳақи ва ўзроқ ҳисоб-китоблар жараёни, шу жумладан, таълим объеклари қурилишдаги коррупциявий омилларни тўқил бартараф этиш чоралари қўрилмаганлиги ҳамда вазирликнинг Ички аудит ва молиявий назорат тизимини қайта қўриб чиқиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, вазирликлар тизимида Давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланishiда йўл қўйилган айрим камчиликлар ва уларнинг олдини олиш бўйича қўриладиган чоралар ҳам сенаторларнинг эътиборидан четда қолмади.

Мажлис якунида қўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Яйловлардан самарали фойдаланиляптими?

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси мажлисида тўпроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ер деградациясига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати, бу борада Сенат ишчи гуруҳи томонидан ҳудудларда олиб борилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Ишчи гуруҳи ўтказган ўрганишлар натижасида яйловларда геоботаник тадқиқотлар ўтказилганлиги, деградацияга учраган майдонларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаритасини тузиш ишлари амалга оширилгани маълум бўлди.

Эътироф этилганидек, яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофазалаш, зарур ўсимликларни экиш ва деградацияга учраган майдонларни қайта тиклаш мақсадида Бўжоро чўл яйлов озукабоп ўсимликларни урунчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан Навоий вилоятида 2 минг, Самарқанд вилоятида 1 минг гектар яйлов ерларида 12 турдаги чўл озук экинлари экилган.

Бундан ташқари, ҳудудларнинг чегараси, яйлов ўсимликлари турлари, нобоп, топталган, деградацияга учраган яйлов ерлар, тақир ва шўртоблар аниқланмоқда.

Ўрганиш натижалари соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, республикамиз ҳудудларида яйлов ерларининг қўп қисми турли даражада деградацияга учраган. Масалан, Навоий ва Самарқанд вилоятларида жами 10 миллион гектарга яқин яйловлар мавжуд бўлиб, шундан Томди, Нурота, Нуробод, Қўшрабoт, Пахтачи туманларида яйловлар

турли даражада деградацияга учраган. Ҳудудлардаги яйловларда чорва молларини тартибли алмашлаб боқиш тизими тўқил жорий этилмаган. Айрим туманларда яйловлардан самарали фойдаланиш ва чорва молларини сув билан таъминлаш мақсадида қазилган кудуқлар носоз ҳолатга келиб қолган.

Бўжоро чўл яйлов озукабоп ўсимликлар урунчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази деградацияга учраган ерларни тиклаш мақсадида озукабоп экинларни экиш учун зарур техникалар билан тўқил таъминланмаган. Марказ ҳодимлари оғир чўл шароитида ва яшаш жойидан ўзюда меҳнат қилишини инюбатга олган ҳолда, улар учун зарур шарт-шароит яратилмаган, шунингдек, дала қоровуллари, тракторчилар ва ҳайдовчиларнинг ойлик маоши камлиги сабабли ишчилар қўнимсизлиги юзюга келган.

Юқорида қайд этилган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф қилиш учун тегишли вазирлик ва идораларга топшириқлар берилди.

Мажлис якунида ушбу масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚ ИЧИГА КИРМАСДАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

Халқ вакили ўтган йили сайловчилар билан учрашувлар давомида тумандаги Муқимий номидида маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ердаги мавжуд муаммоларни ўрганган ва уларни ҳал этиш чораларини кўрган эди.

Депутат бу галги учрашувлари доирасида ушбу ҳудудда бўлиб, маҳаллада амалга оширилган ишлар ҳолати билан қизиқди. Фуқаролар депутат ташаббуси билан ўтган қисқа даврда маҳаллада кенг қамровли бунёдқорликлар қилинганини айтиб, халқ вакилига миннатдорлик билдирди.

Мактабга қўшимча бино керак

Парламент қўйи палатаси депутати Умидаҳон Зокирова ҳам халқ билан мулоқотда бўлиш, қабул қилинган қонунларнинг жойларда қандай ишлаётгани, сайловчиларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш мақсадида Андижон вилоятида бўлди.

Дастлаб халқ вакили Андижон шаҳридаги 50-умумтаълим мактаби фаолияти, бу ерда ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Ушбу таълим муассасаси 960 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 1 минг 850 нафар ўқувчи таълим олмақда. Аёнки, мактабга қўшимча бино керак. Депутат бу масалани ўз назоратига олиб, тегишли вазирликларга депутатлик сўрови юбориши орқали муаммога ечим топиш чораларини кўришини билдирди.

Қизгин кечган мулоқотларда фуқаролар ички йўлларни, қўп қаватли уйлари, уларнинг атрофини, сув қуворларини таъмирлаш, кредит олиш ва бошқа масалалар юзасидан депутатга мурожаат қилишди. Дайни ҳолда, улар қайси соҳада бўлмасин, ўз меҳнати билан вилоят, шаҳар раванқига ҳисса қўиш ниятида эканликларини билдирди.

Сўхбат ва мулоқотлар чоғида фуқаролар томонидан кўтарилган ҳар бир масала назоратга олиниб, уларни ижобий ҳал этиш чоралари қўрилиши қайд этилди.

Аҳоли мурожаати шу куннинг ўзида ҳал бўлди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Виктор Пакнинг сайлов округидаги ўрганишлари қизгин руҳда ўтмоқда. Депутат аҳоли билан юзма-юз мулоқот чоғида уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни жойида ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб ўтган учрашувда депутат туман ҳокими И. Қосимов билан бирга аҳоли мурожаатларини тинглади. Ички йўлларни асфальтлаш, тиббиёт ва мактабгача таълим муассасаси қуриб бериш, ичимлик суви таъминотини яхшилашга оид мурожаатларга мутасаддилар иштирокида ечим изланди.

Халқ вакили туман ҳокими билан отахоннинг хонадонига бориб, шу куннинг ўзида мажкур муаммони ҳал этиш чораларини кўрди. Туман газ идораси мутасаддилари мурожаатчининг муаммосини жойида ўрганиб, ҳал қилишга киришди.

Жойида ечим топилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Мамажонова Фаргона туманида аҳоли билан юзма-юз, очиқ мулоқотлар ўтказди. Учрашувлар давомида одамларни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрди.

Хусусан, депутат ташаббуси билан тумандаги Аввал қишлоғида масъуллар билан ҳамкорликда сайёр қабул ўтказилди. Мазкур жараёнда фуқаролардан йўлларни асфальтлаш, симёғочлар ўрнатиш, қишлоққа интернет тармоғини тортиш масалаларида мурожаатлар келиб тушди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти жойида ўз ечимини топди.

Шундан сўнг депутат узюқ йиллар ёшларга билим берган устоз М. Матмусаев ҳамда бошқа мураббийларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан мурабақбод этиб, эсдалик совғаларини топширди.

Халқ вакилининг ўрганишлари давом этмоқда.

Аниқланган камчиликлар назоратга олинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ҳўжаева Ўзбекистон туманида бўлиб, сайловчилар билан учрашди, ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Дастлаб депутат туман тиббиёт бирлашмаси болалар поликлиникасидаги капитал таъмирлаш ишлари билан танишди. Маълум бўлишича, айни вақтда режадаги ишларнинг 70 фоизи бажарилган, объектни топшириш муддати кечикмоқда.

М. Ҳўжаева мутасаддилар билан боғланди, ишларни тезлатиш чораларини кўриш зарурлиги айтилди. Таъкидлаш жоиз, ушбу хайрли иш депутат ташаббуси билан дастурга киритилиб, уни таъмирлаш учун 3 млрд. 700 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ҳудудда давлатимиз раҳбарининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Депутат хусусий клиникаларда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, беморлар учун яратилаётган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида “Ортопедия” хусусий клиникасида бўлди. Халқ вакили бу ерда фаолият юритаётган тиббиёт ҳодимлари, кўрик учун келган беморлар билан сўхбатлашди, уларни ўйлантираётган масалалар билан қизиқди. Аниқланган камчиликлар депутат назоратига олинди.

Шунингдек, М. Ҳўжаева тумандаги бир қатор таълим муассасаларида бўлиб, у ердаги шарт-шароитларни ўрганди. Ўқитувчилар билан сўхбатлашиб, уларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан табриклади.

Ҳудуддаги ўрганишлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

МАРОМИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Брифингда халққимиздан келиб тушган таклифлар асосида шакллантирилаётган конституциявий нормаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам маълумот берилди.

Қайд этилишича, ҳозирги кунда қонун лойиҳасининг концептуал ва таҳририй тузатишлар киритилган айрим моддалари ҳақида Конституциявий комиссиянинг расмий саҳифалари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида батафсил маълумот бериб борилмақда. Хусусан, қонун лойиҳасидаги 26, 37¹, 41, 45, 46, 98, 99, 112-моддаларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани юзасидан ахборотлар ўз вақтида эълон қилинган.

Конституциявий комиссия Матбуот хизмати томонидан қонун лойиҳасига киритилаётган янги нормалар юзасидан ахборот бериларкан, 65¹-моддада ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳамда уларнинг ҳамяият, давлат ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантириш давлатнинг муҳим вазифаси эканлигини белгилловчи норма қўшимча сифатида киритилиши таклиф этилаётгани айтилди.

Конституциявий қонун лойиҳасининг 67¹-моддасида эса “Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ахборотдан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситаларининг ва журналистларнинг фаолиятига тўсиқчилик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Оммавий ахборот воситалари ўзлари тақдим этадиган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгардир”, деган янги нормани қўшимча тарзда киритиш кўзда тутиляпти.

Қайд этилишича, кейинги йилларда нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган экологик мувозанатни сақлаш масаласига ўзига хос ечим бўладиган янги норма Конституциявий қонун лойиҳасидан ўрин олиши кутилмоқда. Хусусан, лойиҳанинг 40¹-моддаси шаклида киритиладиган мазкур моддада фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, атроф-муҳитга ҳўжалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун давлат шарт-шароитлар яратиши лозимлиги таъкидланди.

Брифингда қонун лойиҳасининг матни тайёр бўлиши билан у депутатлар муҳокамасига киритилиши, халқ вакилларининг фикрлари эътиборга олинган ҳолда такомилга етказиладиган Конституциявий қонун лойиҳаси референдумга қўйилиши маълум қилинди.

«Халқ сўзи».

Реклама

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

2023 йилга қуйидаги ихтисосликлар бўйича таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc) ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:

Таянч докторантура (PhD):

08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт — 1 ўрин.
08.00.02 — Макроиктисодиёт — 1 ўрин.

Докторантура (DSc):

08.00.02 — Макроиктисодиёт — 1 ўрин.

Ҳужжатлар 2022 йил 15 октябргача қабул қилинади.

Таянч докторантурада (PhD) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим магистратураси дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Докторантурада (DSc) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим магистратураси дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Докторантурага талабгорлар коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича сўхбатдан ўтади.

Докторантурада (DSc) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим, фан номзоди ёҳуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун сўхбат 2022 йил 1 — 25 ноябрь кунлари ўтказилади.

Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Ислон Каримов шоҳқўчаси, 49-уй. Тошкент давлат иқтисодиёт университети бош биноси 14-қават. 14-07 хона

Телефон: 71-239-29-42 website: www.cedr.uz e-mail: info@cedr.uz

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ГМИТИ)

2022-2023 йиллар учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институти — докторантурага қабул эълон қилади:

Докторантура (DSc)				
1	Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.	11.00.03	Докторантура (DSc)	1
2	Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология.	11.00.04	Докторантура (DSc)	1
Таянч докторантура (PhD)				
3	Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология.	11.00.04	Таянч докторантура	2
4	Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.	11.00.03	Таянч докторантура	2
Мустақил изланувчи				
5	Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология.	11.00.04	Мустақил изланувчи	Қабул доимий. Йилнинг сессиялари давомида: (февраль, май, ноябрь, декабрь)
	Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.	11.00.03		
Стажёр тадқиқотчилик				
6	Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё.	11.00.03	стажёр тадқиқотчилик	3
7	Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология.	11.00.04	стажёр тадқиқотчилик	2

Ҳужжатлар 2022 йилнинг 15 октябргича қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72-уй. Маълумот учун телефонлар: 71-235-58-12, 71-235-83-29, 71-235-79-23.

«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ 2023 ЙИЛ УЧУН ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Қуйидаги геология-минералогия фанлари мутахассисликлари бўйича таянч докторантурага (PhD):

04.00.05 — Палеонтология ва стратиграфия (1 ўрин);
04.00.07 — Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш (1 ўрин).

2. Геология-минералогия фанлари мутахассислиги бўйича докторантурага (DSc):

04.00.07 — Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш (1 ўрин).
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарорига биноан танловнинг охирги куни 2022 йил 15 октябрь.

Ҳужжатлар ягона электрон тизими орқали қабул қилинади: <https://phd.mininnovation.uz>

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.25 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6